Е3 897

*Ўзбекистон — келажаги буюк давлат*

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

28 август, пайшанба, 1997 йил

Сотувда эркин нархда. № 178-179 (1695-96)

# ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 27 август куни Германиянинг федерал иқтисод вазири Гюнтер Рексродт раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Г. Рексродтнинг ушбу ташрифи тобора кенгайиб, ривожланиб бораётган Ўзбекистон-Германия муносабатларининг яна бир белгиси эканини таъкидлади.

-- Шуниси қувонарлики, -- деди Ислом Каримов, -- Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги муносабатлар нафақат иқтисодий, балки сиёсий соҳада ҳам равнақ топмоқда. Делегациянгиз бу ерга келиши билан икки мамлакат ишбилармонларининг йирик анжумани ўтказилди, янги меҳмонхона очилди, ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги қатор ҳужжатлар имзоланди. Бу Германияда Ўзбекистонга қизиқиш нақадар кучли эканидан дарак беради, албатта.

Гюнтер Рексродт Ўзбекистон-Германия муносабатларининг ривожига ҳисса қўшаётганидан мамнун эканини айтиб, самимий қабул учун мамлакатимиз Президентига миннатдорлик билдирди.

Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Қабул маросимида Бош вазир Ў. Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В. Норов, Бош вазир ўринбосари Б. Ҳамидов, ташқи иқтисодий алоқалар вазири Э. Ғаниев иштирок этди.

Қабул маросимида Германиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Р. Биндзайл ҳозир бўлди.

**(ЎзА).**



***СУРАТДА:** қабул пайти.*
**А. ТЎРАЕВ олган сурат.**

# ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

***Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга 27 август куни Дания Қироллигининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Кристиан Хоппе ишонч ёрлиғини топширди.***

-- Дания юритаётган фаол ташқи сиёсат самараси ўлароқ мамлакатингизнинг Европадаги, қолаверса, жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи тобора ортиб бормоқда, -- деди Ислом Каримов ишонч ёрлиғини қабул қилиб олар экан. -- Ўзбекистон билан Дания ўртасидаги тенг манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш ҳар икки мамлакат учун бирдай аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз раҳбари Кристиан Хоппени шарафли ва масъулиятли вазифа билан табриклаб, унга муваффақият тилади.

Кристиан Хоппе Президент Ислом Каримовга самимий қабул учун миннатдорлик изҳор этиб, ўз фаолияти даврида мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш учун куч-ғайратини аямаслигини таъкидлади.

* * *

***Шу куни Президент Ислом Каримовга Қозоғистоннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Умарзоқ Ўзбеков ҳам ишонч ёрлиғини топширди.***

Мамлакатимиз раҳбари ўзбек ва қозоқ халқлари азал-азалдан қондош экани, ушбу азалий яқинлик бугунги кунда янада мустаҳкамланаётганини таъкидлади. Бундан икки мамлакат халқи жуда манфаатдордир.

Қозоғистон элчиси самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик изҳор этар экан, ўз элчилик фаолияти даврида мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтиришга астойдил ҳаракат қилажагини айтди.

Ишонч ёрлиқларини топшириш маросимларида ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

**(ЎзА).**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
ФАРМОНИ

## ТАСВИРИЙ ВА АМАЛИЙ САНЪАТ, ХАЛҚ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ СОҲАСИДА КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУКОФОТИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотлари қўмитасининг 1997 йилги Камолиддин Беҳзод номидаги Давлат мукофотларини бериш тўғрисидаги таклифларига биноан, тасвирий ва амалий санъат, халқ ҳунармандчилиги соҳасидаги энг яхши ижодий ишлари учун 1997 йилги Камолиддин Беҳзод номидаги Давлат мукофотлари қуйидагиларга берилсин:

1. **Тойир Болтабоев, Хуршид Назиров** ва **Ғайрат Камолов**га -- Тошкентдаги Темурийлар тарихи давлат музейига ишланган уч қисмли маҳобатли «Буюк Соҳибқирон - буюк бунёдкор» деворий тасвирий санъат асари учун.
2. **Анвар Илҳомов** ва **Бахтиёр Раҳмонбердиев**га -- Тошкентдаги Темурийлар тарихи давлат музейи гумбазидаги маҳорат билан бажарилган наққошлик ишлари учун.
3. **Раймберди Матчонов**га -- кулолчилик санъати соҳасидаги ишлар туркуми учун.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1997 йил 27 август.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
ФАРМОНИ

## АДАБИЁТ ВА САНЪАТ СОҲАСИДА АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУКОФОТИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотлари қўмитасининг 1997 йилги Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотларини бериш тўғрисидаги таклифларига биноан, мусиқа санъати соҳасидаги энг яхши ижодий ишлари учун 1997 йилги Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотлари қуйидагиларга берилсин:

1. **Мустафо Бафоев**га -- 1993--1996 йилларда яратилган «Улуғбек буржи», «Нодира», «Мозийдан нур» телевизион балетлари мусиқаси ва истиқлолни тараннум этувчи қўшиқлар туркуми учун.
2. **Анор Назаров**га -- 1993--1996 йилларда яратилган истиқлол руҳи билан йўғрилган қўшиқлар ва мусиқалар туркуми учун.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1997 йил 27 август.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ОЛТИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республикада қишлоқ хўжалиги, саноат, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларнинг ривожланишига, халқ турмуши фаровонлигининг ошишига, тинчлик ва барқарорлик сақланишига кўп йиллик самарали меҳнати билан улкан ҳисса қўшганликлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

**«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Абдуллаев Омон** -- Дўстлик тумани «Оқ олтин» ижара ширкатлар бирлашмаси «Машъал» деҳқон-фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

**Акбаров Келдибой** -- Марҳамат тумани У. Қорабоев номли жамоа хўжалиги дончилик бригадаси бошлиғи, Андижон вилояти

**(Давоми 2-бетда).**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ОЛТИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ватанни ҳимоя қилишда кўрсатган фидойилиги ва мардлиги, Ўзбекистоннинг мудофаа қудрати, миллий хавфсизлиги ва халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси, Қуролли Кучларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашдаги катта хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

**«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Вильчинский Владимир Николаевич** -- Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармаси катта прокурори

**Садирова Заври Сайдуллаевна** -- Конимех тумани прокурори, Навоий вилояти

**Хусниддинов Фазлитдин Низамитдинович** -- Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси валюта ва экспорт-импорт операцияларини назорат қилиш Бош бошқармаси бошлиғи

**II ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Абдурахманов Георгий Алимжанович** -- Жиззах Олий ҳарбий авиация билим юрти бошлиғи

**Баймурадов Қурбон** -- Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Бўриев Аскар Элмуродович** -- Мудофаа вазирлиги алоҳида артиллерия дивизион командири

**(Давоми 5-бетда).**

*● ОЛИЙ МАЖЛИС СЕССИЯСИ ОЛДИДАН*

# ҲУҚУҚИЙ АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШ ЙЎЛИДА

***Ўзбекистон Республикасининг олий қонун чиқарувчи органи -- Олий Мажлиснинг ҳар бир сессиясида миллий давлатчилигимизни ривожлантиришга, истиқлолимизни ҳимоялашга, жамиятда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларни қонуний жиҳатдан таъминлашга қаратилган муҳим ҳужжатлар депутатларимизнинг муҳокамасига киритилади.***

Навбатдаги Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессияси халқимиз мустақиллигимизнинг шонли олти йиллик санасини нишонлаш арафасида ўтказилиши алоҳида аҳамият касб этмоқда. Мазкур сессияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича махсус ишчи гуруҳ ташкил этилди.

Ушбу гуруҳ аъзолари ўртасидаги вазифалар тақсимланиб, сессиянинг кун тартиби бўйича таклифлар тайёрлаш, депутатларга ўз вақтида сессия кун тартибига киритилган қонун лойиҳаларини етказиш, шунингдек, келиб тушган фикр-мулоҳазалар ва таклифларни умумлаштириш, Олий Мажлис, унинг Кенгаши, қўмиталари ва комиссияларининг сессияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритишни ташкил этиш, сессияни ташкилий жиҳатдан таъминлаш, депутатларга техникавий ва бошқа хил хизматлар кўрсатиш бўйича учта кичик гуруҳ тузилди. Сессияга жиддий тайёргарлик кўрилганлиги ҳақида шундан хулоса қилса бўладики, кун тартибига киритилган қонун лойиҳалари ўз вақтида депутатларимизга танишиб чиқиш учун юборилди, айримлари эса, жумладан, Божхона кодекси лойиҳаси, Бож тарифи тўғрисидаги қонун лойиҳаси, Фуқаролик-процессуал кодекси лойиҳаси, Хўжалик-процессуал кодекси лойиҳаси, Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур лойиҳаси, Таълим тўғрисидаги қонун лойиҳаси Қорақалпоғистон Республикасида, барча вилоятларда ва Тошкент шаҳрида Олий Мажлис депутатлари, вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлари, ҳокимликлар, манфаатдор ташкилотлар вакиллари, кенг жамоатчилик ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида ҳар томонлама муҳокама қилинди.

**(Давоми 5-бетда).**

## БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ТЎҚҚИЗИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессияси эртага, 29 август куни соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари бугун, 28 август куни соат 9 дан соат 18 га қадар ва эртага, 29 август куни соат 8 дан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинади.

## СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ДЕПУТАТЛАР ФРАКЦИЯЛАРИ ВА ҲОКИМИЯТ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИДАН САЙЛАНГАН ДЕПУТАТЛАР БЛОКИ ТАРКИБИГА КИРУВЧИ ОЛИЙ МАЖЛИС ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

«Ватан тараққиёти» партиясининг фракцияси бугун, 28 август куни соат 11 да ушбу партия Марказий Кенгашининг мажлислар залида йиғилади.

Ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блоки бугун, 28 август куни соат 12 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида тўпланади.

*● ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНЛАРИ*

***Қутлуғ байрам -- Мустақиллигимизнинг олти йиллиги арафасида қўқонлик оддий математика ўқитувчиси Манзурахон Мадалиева давлатимизнинг энг олий унвони -- «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлди.***

# БОЛАЛАРГА БАХШИДА УМР



Бу хушхабар, аввало, у туғилиб ўсган «Дегрезлик» маҳалласига, сўнгра бутун шаҳарга тарқалди. Улуғ бобомиз Алишер Навоий номи билан аталувчи кўчадаги шинамгина ҳовлига биринчи бўлиб қўни-қўшнилари Робияхон Абдуллаева, Маъмурахон Қосимовалар ташриф буюришди. Улардан кейин бирин-кетин вилоят, шаҳар ҳокимликларининг вакиллари, қадрдон мактабининг ўқитувчи ва ўқувчилари, ҳамкасб ва шогирдлари опани табриклагани келдилар.

Манзурахон опа ҳаяжонини яширолмас, ўзини қўярга жой тополмасди. Ахир, оддий ўқитувчи Истиқлол туфайли мамлакатнинг энг олий нишонига сазовор бўлади-ю, ҳаяжонга тушмайдими!

...Қўқон давлат педагогика институтини имтиёзли диплом билан тамомлаган Манзурага муаллимлар шу ерда илмий изланишларни давом эттиришни таклиф қилишди. Лекин у рози бўлмади. Чунки болаларга нисбатан муҳаббат уни мактаб даргоҳига чорларди. Шундай қилиб, шаҳардаги 10-ўрта мактабга ишга келди.

Ўша йиллари мактабларда математика фани хонасини ташкил қилиш эндигина урф бўлганди. У хонани жиҳозлашга алоҳида меҳр-муҳаббат билан ёндашди. Бунда олийгоҳ ўқитувчиларининг кўрсатмалари ва талабларини қатъий ҳисобга олди. Нафақат Қўқон шаҳрида, балки Фарғона вилоятида биринчилардан бўлиб қизиқарли математика кечаси ўтказди. Бу кечани кўпчилик ҳануз эслаб юришади. Чунки кейинчалик мактабда шундай кечалар ўтказиш бутун Ўзбекистонга ёйилди.

Манзурахон опа салкам ўттиз йиллик педагогик фаолияти мобайнида бундай янгиликлардан қанчасини амалга оширмади, дейсиз. Масалан, у мактабда математика хонасини очгач, шу фанга қизиқувчиларнинг тўгарагига асос солди. Бу ерда математика тарихи, мураккаб математик ҳолатлар, фигуралар ва буюк математиклар ҳаёти ҳақида кичик асарлар, миниатюралар, шеър ва инсценировкалар саҳналаштириб, ижодий кечалар ўтказди. Секин-аста унинг фаолиятини ўргангани, тўгаракдаги ишлар билан танишгани шаҳар ва туманлар, водийнинг олис мактабларидан муаллимлар ташриф буюра бошлади. Шуни ҳисобга олиб, Манзурахон тез-тез вилоят ва республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда, махсус курсларда маърузалар билан чиқишни одат қилди.

1980 йилнинг бошларида эса у ўқувчиларга математика фанидан сабоқ беришда телевидение имкониятларидан кенг фойдаланишни йўлга қўйди. Айниқса, унинг Ўзбекистон телевидениеси орқали намойиш қилинган «Билмасвой математика кечасида» номли мусиқали кўрсатуви бутун республикада довруқ таратди. Кейинчалик шундай кўрсатуви буюк математик ал-Хоразмий таваллудининг 1200 йиллигига бағишланган илмий анжуманда ҳам намойиш этилди. 1991 йилда эса «Ўқитувчи» нашриёти опанинг иш тажрибаси ҳақида ҳикоя қилувчи «Саҳнада математика» номли китобчани нашр қилди.

-- Манзурахон ҳақиқий фидойи ўқитувчи, - дейди Қўқон шаҳар халқ таълими бўлими мудири Эркинжон ака Эргашев. — Юртимиз мустақилликка эришгандан сўнг, айниқса, енг шимариб ишлаяпти. «Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур» ва «Таълим тўғрисида»ги Қонун лойиҳалари Олий Мажлис сессияси кун тартибига киритилгани барчамиз, жумладан, Манзурахоннинг ҳам кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшиб юборди. Маънавиятга, таълим-тарбияга бу қадар катта эътибор берилаётганлиги уни руҳлантирмоқда.

-- Манзурахон нафақат олий тоифали ўқитувчи, балки кўпчилик ҳавас қилса арзийдиган оиланинг бекаси ҳамдир, — дейди «Дегрезлик» маҳалласи оқсоқоли Мирзахон ака. -- Турмуш ўртоғи Баҳромжон билан уч нафар фарзандни вояга етказди. Уларнинг ҳаммаси ҳаётда ўз ўрнини топган. Маҳалладаги тўй-маросимлар, ҳамма тадбирларда Манзурахон фаол қатнашади. Маҳалламиздаги кўпчилик оилаларга уларнинг иноқлигини, камтарлигини мисол қилиб келтирамиз.

Манзурахон опага «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилганлигини эшитган ҳар бир қўқонлик бугун ҳамшаҳри билан фахрланмоқда, мустақил мамлакатимизда ҳақиқий меҳнат эъзоз топишига комил ишонч ҳосил қилмоқда.

Юксак мукофот муборак бўлсин, Манзурахон опа — болаларимизнинг севимли мураббийси, халқ таълими ишининг оташин жонкуяри!

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**





**ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКЦИОНЕРЛИК-ТИЖОРАТ**

## “АЛОҚАБАНК”

**КЕНГАШИ ВА БОШҚАРУВИ**

*Барча таъсисчилар, акциядорлар, ҳамкасблар ва мижозларини Мустақилликнинг олти йиллиги байрами билан самимий муборакбод этади.*

*Хонадонингиздан файзу барака аримасин! Мамлакатимизни буюк келажакка элтувчи иқтисодий ислоҳотлар йўлидаги сермашаққат ишларингизга муваффақият тилаймиз!*

**“Алоқабанк” Кенгаши**

**“Алоқабанк” Бошқаруви**



## АБН АМРО БАНК МБ ЎЗБЕКИСТОН А.Ж.

*меҳнаткаш ва яратувчан Ўзбекистон халқини республика Мустақиллигининг олти йиллик шодиёнаси билан чин кўнгилдан муборакбод этади!*

*Қадим ва қутлуғ ўзбек заминидаги ҳар бир хонадондан фаровонлик ва бахт-саодат аримасин!*









# РЕГИСТОНДА УЙҒОНМОҚДА ШАРҚ

***Миллион-миллион халқлар ва элатлар макони — ота Шарқ қадим Самарқандда ўзлигини намоён этаётир. Шарқ мусиқасининг ҳар бир оҳанги ва садоси минг-минглаб юракларни ларзага солди, десак муболаға бўлмас. Боиси, биринчи кунданоқ мамлакатимиз Президенти бутун фестиваль иштирокчилари ҳамда мезбонларни кўтаринки руҳда ўтаётган мусиқа байрамини асл шарқона ўтказишга чорладилар. Чунки йўлбошчимизнинг шахсан ўзлари ташаббус кўрсатиб, бу фестивални айнан Ўзбекистонда, қолаверса, асрлар қатида ўзининг бетакрор анъаналарини асраб-авайлаб келаётган Самарқандда ўтказишга қарор қилгани унутилмас воқеадир.***

Фестивалнинг тантанали очилиши маросимини кўрган, кузатган ҳар бир томошабин том маънода дунё халқлари санъатининг очилмаган тилсимотлари Регистонда ҳақиқий шарқона оҳанглар садоларига йўғрилганининг гувоҳи бўлди. Айниқса, «Буюк Ипак йўли» деб номланган катта театрлаштирилган концерт томошаси ҳамма-ҳамманинг ҳорғин хотираларини қайтадан уйғотиб юборди. Улкан саҳна. Сизу биз тарих китобларида, айрим фильмларда ўқиган ва кўрган «Буюк Ипак йўли»нинг жонли манзаралари кўз олдимизда «тирилди». Унда олис йўллар машаққатлари, сафар қилиб дунё кўрмоқнинг сўнгсиз қувонч ва ташвишлари «қизил ип»га терилгандай «карвон» ва «сароб» образлари орқали, ёр ва уни қўмсаш билан боғлиқ бўлган саҳна кўринишлари ўзбек мумтоз ашулалари, рақслари орқали очиб берилди. Унда гўзаллик ва нафислик, беозорлик ва бир лаҳзалик ҳаёт рамзи бўлган капалаклар кўриниши бизларга узоқ замонлар сир сақланган ипак етиштириш санъати, унинг ошкор қилиниши, ипакнинг қўриқчиси бўлмиш афсонавий «қора куч» ва ўз наслини ундан ҳимоя қилиб келган сахий инсонлар образлари орқали ўз аксини топган.

Яна қўнғироқлар саси янграйди. Бу ҳаёт даракчиси --карвондан хабар. У бу кўринишда Узоқ Шарқдан Ғарбга қараб кетаётган мангулик элчиси, тинчлик хабарчиси тимсолида гавдаланади. Чўлу саҳролар, гуллаган диёрлар ортда қолади. Карвон осмонўпар тоғларга етиб келади. Ибодат илдизлари Бухорода қолган, адашган руҳларга йўл кўрсатган, инсонларга умид, инсоф ва адолат бахш этиб келган «Будда» ва ундан бойлик ўрнига умид сўраб келган карвон аҳлининг саждага бош эгиши саҳнаси чуқур фалсафий руҳда талқин қилинган. Замонлар, даврлар силсиласига бардош беролмасдан унут бўлиб, издан чиққан кўҳна Ипак йўли буюк Соҳибқирон бобомиз Амир Темур даврида қайта тикланиб «томирларида жўшқин қон» оқа бошлайди. Унинг интиҳосиз сўқмоқларида карвонлар дахлсизлиги, осойишталиги таъминланади. Ушбу даврни акс эттирувчи навбатдаги лавҳада Буюк Ипак йўли бўйлаб ўрнатилган тартиб ва уни қатъий сақлаш жараёни жозибали рақслар, мумтоз қўшиқлар жўрлигида ҳамда саҳна атрофи бўйлаб жойлашган қўриқчи посбонлар образлари воситасида намойиш этилди.

Халқимизнинг ўтмиши ва ёруғ келажагини акс эттирувчи сўнгги лавҳада ўзбек халқининг фахри, ўлмас санъаткорлар Юнус Ражабий, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов, Ҳабиба Охунова, Таваккал Қодиров, Ботир Зокировлар ва бугунги кунда ҳам мустақил Ўзбекистон санъатининг ривожига улкан ҳисса қўшаётган санъаткорлар қўшиқлари ва рақслари дилларга алоҳида шуур бағишлайди.

Биз «Буюк Ипак йўли» деб номланган театрлаштирилган саҳна ҳақида бежиз сўз юритмадик. Чунки ўнлаб асрлардан садо бергувчи карвонлар қўнғироғида халқимизнинг, қолаверса, буюк Шарқнинг ўлмас тарихи ётибди. Уни фақат юрак-юракдан чуқур англаш керак. Ана шунда бу карвон садолари бизларга ўзлигимизни англатади.Умуман олганда, мазкур саҳна муаллифлари --Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов, Ўзбекистон халқ артисти Баҳодир Йўлдошев, бастакор Мустафо Бафоев, бош балетмейстер Юлдуз Исматова, шоир Хуршид Давронлар «мозийға қайтиб иш» кўрганлар, деб ҳеч бир муболағасиз айтса бўлади.

Томоша тугагач, Регистон осмонида сўнгсиз мушаклар порлади. Қизил, яшил, пушти рангларда жилваланган сон-саноқсиз нурлар, таъбир жоиз бўлса, бутун Самарқанд осмонини ёритиб юборди. Бу бир афсонавий тунга айлангандай эди гўё. Ёки «рўйи замин»да Мирзо Улуғбек юлдузлари чарақлаб, Регистон устига пастлаб келгандай туюлди...

Мезбонлар-ку ўз ҳайратларини бир-бирларидан яширолмай, ҳаяжон ичра «Регистонда гўё Шарқнинг порлоқ қуёши чарақлади», дейишарди. Дарвоқе, фестивалнинг очилиши уларда қандай таассурот уйғотди?

Амфитеатрдан шодон чиқиб келаётган фахрий меҳмон, ЮНЕСКО вакили Айкава хонимга юзланамиз.

--Мен бугун ҳақиқий санъатнинг мўъжиза эканлигини ўз кўзим билан кўрдим, — деди у суюниб. — Нуфузли бир халқаро ташкилот вакили сифатида тан олиб айтишим керак, дунёнинг жуда кўп мамлакатларида ўтказилган турли хил анжуманларда қатнашганман. Лекин ҳали ҳеч қаерда бундай жозибали, юксак савияда бошланган фестивални кўрмовдим. Ўзбек халқи ўзининг улуғвор санъатини бугун яна бир бор намойиш қилди. ЮНЕСКО томонидан дунё халқлари анъанавий мусиқаси ёзилган лазерь дисклари чиқарилиб, бутун жаҳонга тарқатилади. Биз Самарқандда ўтаётган биринчи фестиваль ғолибларининг ҳам овозларини ана шундай дискларга ёзиб олмоқчимиз. Яна бир хушхабарни айтиб қўяй: ташкилотимиз фестиваль ғолибларига ўзининг иккита махсус мукофотини ҳам таъсис этган.

Фестиваль ҳайъати раиси Харума Кашиба хоним навбатдаги матбуот конференциясидан сўнг бизларга ўз эътирофини шундай изҳор қилди: «Байрамни кузатиб туриб бир ҳақиқатни англадим. У ҳам бўлса, ўзбек санъати ва маданиятини юксалтиришга Президент Ислом Каримов жанобларининг шахсан ўзлари бошқош бўлаётганлари катта таассурот қолдирди. Билсам, бу фестивални ташкил этиш ва ўтказиш ғоясини ҳам у киши бошлаган экан».

Кеча кечқурун Самарқанднинг бош нуқтасида қурилган саҳналарда хорижлик ва мамлакатимиз санъат усталари иштирокида қўшма концерт дастурлари яна намойиш этилди. Регистонда эса Жанубий Корея, Миср, Ҳиндистон, Таиланд, Қозоғистон ва германиялик санъаткорлар «Энг яхши миллий қўшиқ ижроси учун» танловида қатнашмоқдалар.

«Самарқанд», «Регистон» деган жарангдор сўзлар бугун, ҳеч шубҳа йўқки, дунёнинг ўнлаб мамлакатлари халқлари тилларида достон бўлаётир. Чунки қадимий шаҳарнинг улкан саҳналарида янграётган мусиқалар, қўшиқлар кичик давралардан улкан саҳналарга кўчмоқда. Бу эса ўз навбатида «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг юксак савияда ўтаётганини билдиради.

Биз эса ана шу саҳналар ортида ўз халқларининг бой ва ўлмас санъатларини кузатиб турган шарқликларга «Тўйларингиз қутлуғ бўлсин, Шарқ мусиқаси ҳар бир гўшага, хонадонга қувонч нурларини элтсин!» дея ёруғ тилаклар айтамиз.

**Ғафур ШЕРМУҲАММАД, Норқобил ЖАЛИЛ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

***СУРАТЛАРДА: фестивалдан лавҳалар.***
**М. АМИН ва Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.**

# ПАРТИЯ ФРАКЦИЯЛАРИДА

Кеча Олий Мажлисдаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция раиси Абдулҳафиз Жалолов Олий Мажлиснинг навбатдаги сессияси кун тартибига киритилган масалалар тўғрисида маъруза қилди. Шунингдек, мамлакат парламентининг тўққизинчи сессиясида кўрилиши мўлжалланган масалалар юзасидан фракциянинг умумий нуқтаи назари ишлаб чиқилиб, сессияда қабул қилинажак қонунлар ва бошқа муҳим ҳужжатлар лойиҳалари хусусида таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Йиғилишда Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б. Шодиева, республика Бош вазири ўринбосари Д. Ғуломова иштирок этди.

* * *

27 августда «Адолат» социал-демократик партиясининг Олий Мажлисдаги фракцияси аъзоларининг йиғилиши бўлди. Уни фракция раиси А. Жўрабоев олиб борди.

Фракция йиғилишида депутатлар Олий Мажлиснинг IX сессияси кун тартибига киритилган масалаларни кўриб чиқиб, қонун лойиҳалари юзасидан фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашдилар. Улар мазкур қонунлар мамлакатимизда ўтказилаётган кенг кўламли ислоҳотлар муваффақиятини таъминлаш, ҳуқуқий демократик жамият пойдеворини барпо этишда муҳим восита бўлиб хизмат қилажагини таъкидладилар.

Йиғилишда партия фаолиятига оид бошқа масалалар хусусида ҳам фикрлашиб олинди.

Фракция йиғилишида Олий Мажлис Раисининг ўринбосари А. Қосимов сўзга чиқди.

## ҚУТЛАЙМИЗ!



***Куни кеча матбуотда Мустақилликнинг олти йиллиги муносабати билан фан, маданият, маърифат, оммавий ахборот воситалари ва ижодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини орден, медаллар ҳамда фахрий унвонлар билан мукофотлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди. Тақдирланганлар орасида ҳамкасбимиз Гулчеҳра Йўлдошева ҳам бор. Унга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист» фахрий унвони берилди. Биз ҳамкасбимизни ушбу мукофот билан қутлаб, бундан кейинги ижодий фаолиятида муваффақиятлар тилаб қоламиз.***

**«Халқ сўзи» жамоаси.**

# ОЛИЙ МАЖЛИС ҚЎМИТАЛАРИДА

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни қўмита раиси Г. Йўлдошева бошқарди.

Йиғилишда «Меҳнат кодекси» ижросини назорат-таҳлил қилиш, халқаро ҳужжатларга доир ва бошқа масалалар муҳокама этилди.

Шунингдек, қўмита аъзолари бугунги кунда жойларда аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишиб, бу масалада фуқароларга ёрдамни кучайтириш лозимлигини таъкидладилар.

* * *

Олий Мажлис Саноат, энергетика, транспорт, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш қўмитасининг йиғилишини қўмита раиси И. Кочмарик олиб борди.

Йиғилишда сессия кун тартибига киритилган масалалар кўриб чиқилди. Маълумки мазкур қўмита айни пайтда «Ўзбекистон Республикаси автомобиль транспорти тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси устида иш олиб бормоқда. Қўмита аъзолари ушбу қонун лойиҳаси хусусида ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилдилар.

* * *

27 август куни Олий Мажлис Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлди. Уни қўмита раиси Абдурафиқ Аҳадов олиб борди.

Йиғилишда қўмита аъзолари Олий Мажлиснинг навбатдаги сессияси кун тартибига киритилган «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ва Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш хусусидаги масалани муҳокама қилдилар.

Сўзга чиққанлар қонун лойиҳалари ҳар жиҳатдан пишиқ-пухта тайёрланганлиги, халқаро андозаларга мос келишини таъкидладилар.

Йиғилишда Олий Мажлис сессияси кун тартибига киритилган масалалар, маъқулланди.

* * *

Шу куни Олий Мажлис Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитасининг ҳам йиғилиши бўлиб ўтди. Уни қўмита раиси А. Йўлдошев олиб борди.

Йиғилишда Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессияси кун тартибига киритилган «Божхона кодекси», «Бож тарифи тўғрисида» ва «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонун лойиҳалари муҳокама этилди. Ушбу кодекс ва қонун лойиҳалари юзасидан қўмита аъзолари, мутахассислар ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Б. Шодиева сўзга чиқди.

* * *

Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси йиғилишини мазкур қўмита раиси Н.Исмоилов бошқарди. Унда депутатларнинг олий анжуман кун тартибига киритилган Фуқаролик-процессуал, Хўжалик-процессуал кодекслари, «Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўғрисида»ги Қонун лойиҳалари (иккинчи ўқишда), шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Сўзга чиққанлар қўмитада сессиялар оралиғида кенг кўламли ишлар бажарилганлигини, бир қатор қонун лойиҳалари тайёрланганлигини таъкидлаб, Ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури ҳамда лойиҳалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Б. Мустафоев, Олий хўжалик суди раиси М. Абдусаломов қатнашди.

Йиғилишда Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б. Бугров сўзга чиқди.

* * *

Шу куни Олий Мажлис Матбуот ва ахборот қўмитасининг ҳам йиғилиши бўлди. Уни мазкур қўмита раиси Ўткир Ҳошимов бошқарди.

Йиғилишда сессия кун тартибига киритилган масалалар маъқулланиб, биринчи ўқишда тақдим этилаётган «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси муҳокама қилинди. Сўзга чиққанлар давр оммавий ахборот воситалари олдига катта вазифалар қўяётганлигини, шу боис мазкур қонун лойиҳаси ўз вақтида тайёрланганлигини таъкидлашди.

Йиғилишда Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б. Шодиева сўзга чиқди.

* * *

Кеча Олий Мажлис Қурилиш ва уй-жой-коммунал хўжалиги қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни қўмита раиси Хурсанд Тошев олиб борди.

Мажлисда сессия кун тартибига киритилган масалалар муҳокама қилиниб, бир овоздан маъқулланди. Қўмита аъзолари ушбу масалалар давлатимизни иқтисодий-сиёсий жиҳатдан ривожлантиришда ниҳоятда муҳим ва долзарблигини таъкидлаб, қабул қилиниши мўлжалланаётган баъзи қонун лойиҳалари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилдилар.

* * *

Олий Мажлиснинг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг йиғилишини қўмита раисининг ўринбосари И. Юсупов бошқарди.

Қўмита аъзолари Олий Мажлиснинг IX сессияси кун тартибига киритилган ҳужжатларнинг аҳамияти, мамлакатимиз ташқи сиёсатида тутадиган ўрни, қабул қилинган қонунлар моҳиятини фуқароларга тўла-тўкис етказиш кераклиги хусусида фикрлашдилар.

Шунингдек, йиғилишда қўмитанинг иш фаолиятига доир ахборот ҳам тингланди.

* * *

Олий Мажлис Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг мажлисида «Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур», «Таълим тўғрисида»ги Қонун лойиҳалари ва сессия кун тартибига киритилаётган бошқа масалалар муҳокама қилинди. Йиғилишни қўмита раисининг ўринбосари П. Қодиров бошқарди.

У ва бошқа сўзга чиққанлар Миллий дастур ва «Таълим тўғрисида»ги Қонун лойиҳаларида мамлакатимиз келажаги бўлган ёшларни ҳар томонлама билимли ва малакали қилиб тарбиялаш кўзда тутилганини таъкидладилар.

Йиғилишда республика Бош вазирининг ўринбосари Д. Ғуломова сўзга чиқди.

* * *

Шу куни Олий Мажлис Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитасининг ҳам йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни мазкур қўмита раисининг ўринбосари М. Икромов олиб борди. Унда «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва зарарсизлиги тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси, «Тупроқ унумдорлиги тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини тайёрлаш, «Деҳқон-фермер хўжаликлари тўғрисида»ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги масалалар муҳокама қилинди.

Сўзга чиққанлар, хусусан, Олий Мажлиснинг ушбу сессиясига киритилаётган «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва зарарсизлиги тўғрисида»ги Қонун лойиҳасига алоҳида тўхталиб, мазкур ҳужжатнинг бугунги кундаги аҳамияти беқиёс эканлигини таъкидладилар, лойиҳа юзасидан таклиф-мулоҳазаларини билдирдилар.

ХАЛҚ СЎЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

*БЎЛИМЛАР:*
*Парламент 33-57-34;*
*Хатлар 33-07-48;*
*Ҳуқуқ ва қонунчилик 36-37-85;*
*Иқтисодиёт 36-36-65, 36-07-94;*
*Маънавият 36-35-60;*
*Тунги муҳарририят 33-10-28;*
*Эълонлар 36-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 0522, 34.845 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
**Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Иван РЕШАНОВ томонидан саҳифаланди.**

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**700000, ГСП,**
**Тошкент шаҳри,**
**Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**

**Навбатчи муҳаррир — М. Сафаров.**
**Навбатчи —Н. Шониёзов.**
**Мусаҳҳиҳ — Ф. Усмонов.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди — 06.35** 1 2 3 4 5 6